

VI. ИСТЕММОЛ БОЗОРИ

2018 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси 13529,0 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,1 % ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 10,7 % га ўсиб, 3161,6 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 23,4 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микро фирмаларнинг товар айланмаси 9,9 % га ўсиб, 3799,1 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 28,1 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 6568,2 млрд. сўми якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг хисобига тўғри келди 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 % га камайди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 48,5 % га teng бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби
(2018 йилнинг январь–июнь ҳолатига)



2018 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат


ва нодавлат шакллари бўйича қўйидаги ифодаланади.

Давлат мулки 81,2 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 104,1 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,6 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 13447,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 104,1 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,4 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажимда катта улишга эга бўлган Шайхонтохур тумани 15,3%, Чилонзор тумани 14,9 % Учтепа тумани 12,9 %, Бектимер тумани 11,1 %, va Yunusobod 10,6 % ни ташкил этган бўлса, Олмазор тумани 4,4% Яккасарой тумани 5,7% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Туманларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши
% ҳисобида**




Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 733,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 114,6 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 5,4 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Юнусобод тумани 18,6%, Мирзо-Улугбек 11,2 %, Сергели 10,3%, ташкил этган

бўлса, Бектемир тумани 1,2 %, Учтепа тумани 5,5 % ва Яшнобод тумани 6,7 % улуш билан энг паст қўрсаткични қайд этди.

Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши



2018 йилнинг январь-июнь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш саръати 110,7 % ни ташкил этди.

Овқатланиш ташкилотларини қўшган холда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 5,4 млн. сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори қўрсаткичлари Бектемир тумани (45,2 млн. сўм), Чилонзор тумани (8,5 млн. сўм), Учтепа тумани (6,5 млн. сўм), Яккасарой тумани (6,5 млн. сўм) Мирбод тумани (6,1 млн. сўм) кузатилди.

Чакана товар айланмаси
(умумий овқатланишини қүшгап ҳолда)


	Жами		Аҳоли жон бошига	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида</i>
Тошкент шаҳар бўйича	13529,0	104,1	5465,4	102,3
<i>Туманлар:</i>				
Бектемир	1503,1	99,1	45223,8	97,3
Мирзо Улугбек	853,9	106,1	3191,6	105,2
Миробод	835,4	102,7	6186,8	101,0
Олмазор	591,0	102,7	1668,5	101,0
Сергели	825,0	103,4	4666,6	100,6
Учтепа	1740,9	100,2	6599,3	98,3
Чилонзор	2021,3	115,1	8525,0	115,1
Шайхонтохур	2071,2	100,8	6153,5	97,6
Юнусобод	1434,9	102,9	4396,2	101,2
Яккасарой	772,1	106,4	6554,3	104,8
Яшнобод	880,2	107,5	3867,1	105,3

2018 йилнинг январь–июнида улгуржи савдо товар айланмаси 12153,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 107,1 % ни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсишига қарамасдан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 6,3 % га камайиши кузатилиб, ҳажми 2156,6 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажимда катта улишга эга бўлган Мирзо-Улуғбек тумани 16,6%, Яккасарой тумани 16,4 % Юнусобод тумани 10,9 %, ни ташкил этган бўлса, Бектемир тумани 1,3 %, Учтепа тумани 5,1% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Улгуржи савдо товар айланмаси улуши



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 10,5 % га кўпайиб, 9996,9 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 82,26 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-июнига нисбатан, % ҳисобида</i>
Тошкент шаҳри	12153,5	100,0	107,1
туманлар			
Бектемир	153,6	1,3	101,6
Мирзо-Улугбек	2021,9	16,6	132,5
Миробод	1305,5	10,7	100,6
Олмазор	1158,8	9,5	103,0
Сергели	621,0	5,1	102,0
Учтепа	620,3	5,1	106,3
Чилонзор	1148,1	9,6	105,1
Шайхонтохур	989,4	8,1	97,2
Юнусобод	1327,3	10,9	101,4
Яккасарой	1994,8	16,4	108,2
Яшнобод	812,8	6,7	102,3